



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUGI

20 17 yil “ 26 ” 05

№ 249

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304–сонли “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304–сонли “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304–сонли “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Тиббиёт олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, илмий ва ихтисослаштирилган марказлар раҳбарлари барча илмий ходимларни қарор билан таништириб, унинг мазмун-моҳиятини ўрганишларини ташкил этсин.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-текшириш фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи (Т.А. Набиев)га бош юрисконсулт (Р.Махаммадиев) билан биргаликда қарорнинг талабидан келиб чиқиб, вазирлик буйруқларини инвентаризациядан ўтказиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар киритиш топширилсин.

4. Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир в.в.б.

Б. Юсупалиев

003639